

**Тошкент молия институти Магистратура бўлими БХА-1 гуруҳ магистранти
Йигиталиев Ислон Икромалиевич томонидан бажарилган “Тижорат банкларида
солиқ тўловларини ҳисоблаш ва уни такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги
магистрлик диссертациясига**

АННОТАЦИЯ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий - иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқ. Бунда солиқ механизми муҳим рол ўйнайди. Зеро, Президент И.А.Каримов бу борада қуйидаги фикрларни билдириб ўтади:“...банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш лозим”.¹

Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилиниши муҳим солиқ сиёсатини шакллантириш борасидаги асосий омиллардан ҳисобланади. Мазкур кодексга кўра мамлакатимиз солиқ тизими умумдавлат солиқлар ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлардан иборат деб белгиланган.

Тижорат банкларида солиқлар ҳисобини олиб боришда, банкларда солиқларни таҳлил қилишда умумдавлат солиқларидан юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи, кўшилган қиймат солиғи, ҳамда маҳаллий солиқларидан мол – мулк солиғи, ер солиғи, инфратузилмани ривожлантириш солиғи каби солиқлар салмоғи анча юқоридир. Демак юқоридаги муаммоларни бартараф этиш ва илмий асосланган хулосаларни бериш кераклиги мазкур магистрлик ишининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур соҳага доир иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан тижорат банкларида солиқлар ҳисоби ва аудитининг айрим жиҳатлари К. Макконнел, И.Горский, О.В. Мещеряков, Д.Шаулов, Б.А. Райзберг, Д.Черник, Г.Н. Белоглазова, А.В. Брызгалин, А.А. Соколов, С.Фишер, Л.Б. Хван, Б. Энтони, шунингдек, республикамиз иқтисодчи олимлари А.В.Вахабов, Қ.А. Яхёев, Э.А. Акрамов, А.К.Ибрагимов, Э.Гадоев, Т.Маликов, З.Т.Маматов, Р.Д.Дўстмуратов, Ш.А.Тошматов ва М.Марпатов каби олимлар томонидан ўрганилган.

Илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг солиққа тортиш, уларнинг ҳисобини ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун ишнинг олдида қуйидаги вазифалар кўйилади:

- Тижорат банкларида солиқлар ҳисобини такомиллаштириш ва унинг моҳиятини ўрганиб чиқиш;

- Тижорат банкларида солиқ тўловларига берилган имтиёзлар ва уларни ҳисобга олишни таҳлил қилиш;

- Тижорат банкларида фойда солиғини ҳисоблашни такомиллаштириш асосида амалиётда қўлланиб келинаётган банклар фойдасидан олинадиган солиқ механизмнинг харажатини таҳлил қилиш ва шу асосда бу механизмда мавжуд камчиликларни аниқлаш.

Тадқиқот объекти. Тижорат банклари фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Тижорат банкларида солиқлар ҳисобини юритиш ва уни такомиллаштиришда юзага келадиган муносабатлар ҳисобланади.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий хулосалари ва амалий тавсияларидан тижорат банкларида солиқ ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, шунингдек, “Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника” фанини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент-НМИУ-2009.